

Германия Ўзбекистоннинг **аграр соҳадаги** муҳим ҳамкори

Сиёсий дипломатия ҳар доим иқтисодий шерикликка йўл очган. Европа Иттифоқининг локомотивларидан ва таъсисчиларидан бири Германия Федератив Республикаси ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Ўзбекистон ва Германиянинг икки томонлама ҳамкорлик жараёнида олиб борилган самарали дипломатик алоқалар туфайли муаммоли масалалар бўлмаган ва ҳамиша турли вазиятларда маъқул қарорларга келинган.



Маълумки, ГФР юқори тараққий этган индустриал-технолоик мамлакат бўлиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда бешинчи, маҳсулотлар экспорти бўйича тўртинчи ўринда турадиган давлат. Шу билан бирга, Германия аграр соҳасини ривожлантириш ва механизациялашга алоҳида эътибор қаратаётган, замонавий агросаноат технологияларини тизимга сафарбар эта олиши ҳисобига, соҳада аҳолининг атиги 2-3 фоизи банд бўлсада, юқори унумдорлик ва кўрсаткичлар билан ажралиб туради. Масалан, мамлакат агар тизими аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг 80 фоизини, шакарнинг 85 фоизини, гўштнинг 90 фоизини, сут маҳсулотларининг 100 фоизини таъминлай олади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг учдан бир қисмини чорвачилик беради.

Айни пайтда Германия қишлоқ хўжалигининг ўзига хос иқлими Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларининг озик-овқат бозорига

кириши учун шароит яратади. Ҳозирги вақтда “Шимол-Ғарб” ва “Шимол-Жануб” линиялари бўйича юк ташиш муамоларининг ечилаётгани Ўзбекистон ва Европа ўртасидаги транспорт-логистика занжирини яхшилашга хизмат қилади. Бизнинг экологик жиҳатданг тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизни 84 миллионли Германия бозорларига етказиб берилишининг истиқболи порлоқ. Қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўзбек-немис ҳукуматлараро ишчи гуруҳи йиғилишларининг йўлга қўйилгани бу борадаги муносабатларнинг жадаллашаётганидан далолат беради. Аграр соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик дастурлари агрокластерлар ташкил этишдан тортиб маҳсулот етиштириш, йиғиш, сақлаш ва етказиб беришнинг инновацион усулларини жорий этишгача бўлган жараёнларни қамраб олиши мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилги Германияга ташрифи чоғида икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги алоқаларини фаоллаштиришга имкон яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Германиянинг «Deutsche Sparkassenstiftung für Internationale Kooperation e.V.» фонди ўртасида Англашув меморандуми тузилди. Меморандумда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Қишлоқ хўжалиги суғуртасини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистоннинг муайян банкларидаги мавжуд айланма кредит фондлардан фойдаланишни кенгайтириш, ёш фермерларни тадбиркорликка ўргатишда бизнес симуляцияларидан фойдаланиш шулар жумласидандир. Шунингдек, ҳужжатда “Риск радари” ва “Яшил молиявий компас” каби молия соҳасидаги замонавий ёндашувларни Ўзбекистон аграр соҳасида жорий этиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «JD East» дастури ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси қишлоқ хўжалиги таълими, стажировка ва семинарлар ташкил этиш масалаларини қамраб олди. Унга кўра, «JD East» ҳар йили ўзбекистонлик талаба ва битирувчилар, шунингдек, ёш фермерлар учун муддати 2 ҳафтадан 12 ойгача бўлган қишлоқ хўжалиги стажировкалари ва семинарларини ташкил этмоқда. Бунда Германияда яшаш ва таълим олиш учун керакли барча расмийликлар, ҳужжатлар тайёрлаш ишларини «JD East» ўз зиммасига олди. Стажировка/таълим йўналиши талабаларнинг ўқув режасига, ёш фермерларнинг фаолият йўналишига қараб белгиланишига келишиб олинди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини Германия бозорларига етказиб бериш, халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг бренд маҳсулотларини намойиш этиш, логистика компанияларини ташкил қилиш ва, умуман, Ўзбекистоннинг бу борадаги экспорт салоҳиятини намоён қилиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Икки томонлама ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, Германия Федерал озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги (BMEL) томонидан молиялаштирилган икки томонлама ҳамкорлик дастури (ИТХМ) ишлаб чиқилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳамкорлик дастурида Ўзбекистон аграр комплекси учун бир қатор муҳим масалалар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги билан

бевосита боғлиқ бўлган органик қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ва уларни молиялаштириш каби масалалар ўрганиляпти. Ўтган йили лойиҳа раҳбари, Германиянинг “GFA Consulting Group GmbH” компанияси бош агенти, жаноб Мальта Мюллер бошчилигидаги делегация вакиллари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бўлди. Меҳмонлар университет салоҳияти ва унда фаолият олиб бораётган ўқув ва илмий лабораториялар фаолияти билан танишди. Мазкур лойиҳага биноан мутахассислар замонавий технологияларни ҳисобга олган ҳолда барқарор экин етиштириш, чорвачилик соҳасида иш юритишнинг илғор Германия усуллари, шунингдек, фермер хўжаликларини бошқариш кўникмалари Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва бунда университет олимлари, тадқиқотчилари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади.

2023 йилнинг 20 январидан 29 январига қадар Германия пойтахти – Берлин шаҳрида «Green week – 2023» деб номланган йирик халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон маҳсулотларининг намойиши нафақат Германия, балки Европа бозорларига аграр маҳсулотларимиз кириб боришининг кенгайтишига туртки беради. Унда Ўзбекистон маҳсулотлари умумий майдони 240 метр квадратлик «Made in Uzbekistan» стендида тақдим этилди. Ушбу стенда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг 227 тури намойиш этилди, сархил ва қуритилган мева-сабзавотлар, ёнғоқлар шулар жумласидандир. Кўргазмада Германия дўконларига музлатилган ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш, Германиянинг “Гирлос инжиниринг” компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда музлатгичли омбор қуриш ва «Бухерс» компанияси томонидан кооператив асосида мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича шартномалар имзоланди.

Тошкент давлат аграр университети ва Германиянинг Weihenstephan-Triesdorf амалий фанлар университети ҳамкорликнинг самараларидандир. Германия университети 1971 йилда Бавария федерал ўлкасида ташкил этилган. У қишлоқ хўжалиги соҳасида малака ошириш дастурлари ва «Аграр менежмент» халқаро магистратура курси бўйича мутахассислар тайёрлайди, дунёнинг 60 дан ортиқ таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Икки университет олиб борган музокаралар натижасига кўра, ХҚХУ талабаларини Германиянинг Weihenstephan-Triesdorf амалий фанлар университети магистратурасига беғараз асосда ўқишга юбориш, шунингдек, ХҚХУ ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизида Германия университети билан ҳамкорликда чорвачилик ва боғдорчилик соҳасида Германия тажрибасига асосланган давлат ва хусусий секторда фаолият юритаётган соҳа вакиллари, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича келишувга эришилган.

Тошкент давлат аграр университети Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги ва халқаро таълим ишлари (Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit - GIZ) билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда касб-хунар

таълими – озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида тизимли ёндашувларни илгари суриш” халқаро лойиҳасини амалга оширишда иштирок этмоқда. Қиймати 5,5 миллион евродан иборат мазкур лойиҳа ҳамкор давлатлари - Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси бўлиб, унинг асосий мақсади - Марказий Осиёда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида дуал/кооператив касб-хунар олий таълимнинг норматив - ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, олий касб-хунар таълими даражасида бандликка йўналтириш, халқаро сифат стандартларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дуал/кооператив таълимни ривожлантириш, яъни ҳақиқий иш муҳитидаги таълимни университетдаги таълим билан уйғунлаштириш, миллий касб-хунар таълими тизимларини минтақавий уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш ушбу лойиҳанинг марказида туради. Лойиҳа университетнинг Агроиктисодиёт ва туризм кафедраси негизида кооператив бакалавриат дастурини амалга оширишга қаратилган. Мазкур лойиҳани амалга оширишда ТошДАУдан ишчи гуруҳ раҳбари, профессор М.Саидов, доцентлар - Д.Саидова ва Ш.Умидов ҳамда ҳамкор ташкилотдан «Модус Бест» МЧЖ Бош директори А.Иминохунов иштирок этишмоқда.

Бу дастурда университетдаги назарий ўқиш босқичлари ва компаниядаги амалий босқичларнинг замонавий, амалиётга йўналтирилган ўқитиш билан доимий алмашинувида тавсифланади. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур дуал таълим дастурининг моҳияти ва зарурлиги асосланди, унга қабул қилишнинг мезонлари ва ўқитишнинг натижалари ишлаб чиқилди, таълим дастури таркиби шакллантирилди. Таълим бериш ва ўқитишнинг методлари, параметрлари, баҳолаш асосланиши ва мезонлари ишлаб чиқилди. Ўқув ресурслари банки яратилди ва талабани қўллаб-қувватлаш мезонлари шакллантирилди. Ҳар бир семестр 60 ECTS , 4 ўқув йили учун 240 ECTS дан иборат фан модуллари яратилди.

“Логистика (Озиқ-овқат ишлаб чиқаришида)” дуал таълимнинг бакалавриат дастурига 2023 йил 14 мартда Европанинг Аккредитация, сертификация ва сифат таъминоти институти 2028 йил 30 сентябрь муддатигача амал қилувчи халқаро сертификатни тақдим этди.

ACCREDITATION, CERTIFICATION AND
QUALITY ASSURANCE INSTITUTE

ACQUIN

THE SEAL OF APPROVAL




FOR THE REFERENCE CURRICULUM

LOGISTICS IN THE FOOD INDUSTRY

- BACHELOR OF SCIENCE -

THE CERTIFICATION IS VALID UNTIL 30. SEPTEMBER 2028.

BAYREUTH, 21. MARCH 2023


PROF. DR. SEBASTIAN KEMGEN
CHAIRMAN OF THE BOARD

ACQUIN is since 2003 a member of European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA)
and since 2009 registered in the European Quality Assurance Register for Higher Education (EQAR)


Умуман олганда, Ўзбекистон ва Германиянинг аграр соҳасидаги ҳамкорлиги истикболли. Боз устига, Европанинг қудратли бу мамлакати аграр соҳада ҳам рақамли технологиялардан фойдаланиш, “ақли” кишлок хўжалигини барпо этишда ҳам илгарилаб кетган. Германиялик ҳамкорлардан ўрганадиган тажрибалар етарли. Ҳозирги кунда, инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш глобал микёсда тез

суръатлар билан ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги бундан мустасно эмас, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида Президентнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Соҳа мутахассислари рақамли трансформациялар туфайли қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулдорлиги 2030 йилга келиб қарийб 60 фоизга ошиши керак, шунда озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келинмайди. Рақамли агротехнологиялар соҳасидаги ушбу тенденциялар ва янгиликлар билан боғлиқ ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги шароитида "Ақлли қишлоқ хўжалиги" ни амалга ошириш устувор вазифалардан. Агар биз Германия каби юксак самарадорликка эришган давлатлар билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга эришсак, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, экинлар ва ерларни зараркундалар ва турли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, ташқи экинларни турли хил экинлар ҳосилдорлигига таъсир этишини бартараф этиш, шунингдек, замонавий қишлоқ хўжалиги усуллари жорий этиш ва ишлаб чиқариш маданиятини оширишга эришамиз.

Ўзбекистон ЯИМнинг 26,5 фоизини ташкил қилиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизини иш билан таъминловчи қишлоқ хўжалиги самарали давлат сиёсати шароитида мамлакат иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан бири бўлиши мумкин. Мазкур сиёсатнинг самарали амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ҳамда фермерлар ва агроташкилотлар даромадлари ошади, қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу ерларда яшаш даражаси кўтарилади, бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли учун арзонроқ бўлади ва мамлакат ишончли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлай олади. Бироқ қишлоқ хўжалигини рақобатбардош, шунингдек хусусий сектор, аҳоли ва давлат манфаатлари учун хизмат қиладиган соҳага айлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш керак. Бу йўлда бизга Германия тажрибасини ўрганиш, Германия қишлоқ хўжалиги соҳаси билан ҳамкорликни кенгайтириш ёрдам беради. Табиийки, давлатимиз раҳбарининг Германияга амалга оширган ташрифи ва бу ерда эришилган келишувлар ушбу мақсадларга хизмат қиладди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 28 сентябридаги Германияга ташрифи жуда самарали кечганини алоҳида таъкидлаш керак. Олий даражадаги тадбирлар олдида икки давлатнинг кўплаб корхона ва компаниялари раҳбарлари, йирик ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Анжуман давомида "яшил" энергия, кимё, фармацевтика, транспорт, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва бошқа соҳаларни қамраб олган 9 миллиард долларлик савдо, инвестиция ва технология шартномалари тузилди. Иқтисодиёт, савдо, молия, фан, таълим ва инновация соҳаларида 16 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. Бундай йирик халқаро тадбирлар ишбилармонлик алоқаларини янада кенгайтириш, ўзаро савдони ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга қўшма инвестиция лойиҳаларини, турли ташаббусларни илгари суриш истикболи ва

имкониятини аниқлаш имконини беради, ишбилармон доиралар ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Мухаммад Али Саидов
Тошкент давлат аграр университети,
и.ф.д., профессор.